



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil "11" март

К-355 -son

Qumqo'rg'on t.

**Тумандаги “Оқбош дала” номли кўп тармоқли фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартағи 5-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартағи 5-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансан.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Худояров Рамазан бошлиқ “Оқбош дала” номли кўп тармоқли фермер хўжалигига қўшимча, “Ш.Мирзаев” массиви “Арпапоя” маҳалла фуқаролар йигини худудида жойлашган 324к, 326бк-дала контуридаги жами 7,50 гектар, шундан 7,50 гектар экин ер майдони 40 (қириқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсан.

3. Бундан кейин “Оқбош дала” номли кўп тармоқли фермер хўжалигининг умумий ер майдони 324к, 326бк, 329б-дала контурларидан жами 16,90 гектар, шундан 7,50 гектар сувли экин ер майдони, 8,47 гектар боғ, 0,61 ариқ, 0,32 гектар йўл ер майдони этиб белгилансин.

4. Кадастр агентлиги Кумқўргон туман бўлими бошлиғи X.Йўлдошевга туман ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда “Оқбош дала” номли кўп тармоқли фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсан.

5. Туман ҳокимлиги девонхона мудири (Ш.Чориев)га “Оқбош дала” номли кўп тармоқли фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш


тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиги видоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров





Туман ҳокими  
Р.Б.Гаппаровга

Тумандаги “Оқбош дала” номли  
фермер хўжалиги раҳбари Р.Худояров  
томонидан

### АРИЗА

Аризани ёзишимдан мақсад, “Оқбош дала” номли фермер  
хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб беришда хамда ўтказиладиган  
танловда иштирок этишимга руҳсат беришингизни сўрайман.

“Оқбош дала” фермер  
хўжалиги раҳбари

Р.Худояров



91-969-82-22

QUMQO'RGN TUMANI	SAHIFALAR SONI	1
KIRISH NO	327/01-20	
SANASI	03.03.21	

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on  
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va  
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox  
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Кумкўргон  
туман фермер, дехқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани, Ўзбекистон шоҳ  
ко'часи 3- уй

2021йил «05» март

Кумкўргон тумани

№182

**Сурхондарё вилоят Кумкўргон тумани фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари Кенгашининг тумандаги “Оқбош дала” боғдорчилик фермер хўжалигига  
қўшимча яйлов ер майдони ажратишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.**

**Х У Л О С А**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, тумандаги “Оқбош дала” боғдорчилик фермер хўжалигига қўшимча ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Кумкўргон тумани фермерлар Кенгаши хulosса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади.

“Ш.Мирзаев” худудидаги “Оқбош дала” фермер хўжалиги ҳозирги кундаги фаолият юритиб, иш стажи, қишлоқ хўжалигига тажрибаси, ишчи кучи ва техникаси етарлигини, Кенгаш аъзоларининг фикрларидан келиб чиқиб келгусида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, фермер хўжалигини кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш, хамда Олий мажлис Сенатининг 21.12.2017 йилдаги СҚ-259-сонли, яъни “Фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш максадида ариза юзасидан ижобий хulosса бериш лозим деб топилсин.

Юқоридагилар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон, 2013 йил 31 январдаги 22-сонли “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарорларига асосан туман фермерлар Кенгаши,

**Хулоса қилади**

Кумкўргон туманидаги “Оқбош дала” боғдорчилик фермер хўжалигига қўшим сувли ер майдони ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га кўриб чиқиш учун юборилсин.

**Кумкўргон тумани фермер, дехқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
Кенгаши раиси:**

327/01-20  
06.03.2021 й

  
Фермер, Хуҷа, таҳсилотчи  
А.Самадов

**А.Самадов**